

Республика Президенти Исмоил Каримов 1993 йилнинг январдан бошлаб...

НУФУЗЛИ ТАНЛОВ

БУГУНГИ кунда атроф-муҳитнинг софлиги ва экологик масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда...



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ 1993 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН МЕХНАТ ҲАҚИ, НАФАҚАЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг иқтимоий муҳофазасини янада кучайтириш мақсадида: 1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг оз миқдори даражаси 1,25 баравар ошдирилсин...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «1993 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН МЕХНАТ ҲАҚИ, НАФАҚАЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА

Президентнинг фармониغا биноан 1993 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг оз даражаси 1,25 баравар ошдирилсин...


Вулуғи кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қўйиб киритилди.

ҲАМДУСТЛИКДА Россия Президенти Борис Елцин Чехия Республикаси ва Словакия Республикасини суверен ва мустақил давлатлар сифатида тан олиш тўғрисидаги фармонга имзо қилди.

ХОРИЖДА Францияда Ўзбекистон Олий эътибор билан мамлакатнинг Брест шаҳридаги олий тижорат мактаби ўқувларида ўқитиш бўлими тарафидан...

ИККИ ХОНАДОННИНГ БИР ЖАҲОН ҚУВОНЧИ



ДУНЕДА ота-она учун шарафли бир юмуш бор. Бу юмуш бир қараганда жуда ҳам оддий, лекин низоҳатда масъулиятли эканини ҳаёт ҳар лаҳзада таъкидлаб туради...

Улар ўз фарзандларини Исомолжон деб номлашди. — Уларнинг ота-онаси...

«Қаердаки фарзанд бор — уша хонадонга бахт толе, кувонч ёр», дейди доно халқимиз...

ЭРТАНГИ КУН РЕЖАЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Илгари хабар берганимиздек 26 декабрь кунини йигирма биринчи қақирқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўзинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси, Тошкент шаҳар Ҳокими А. И. Фозилов раислик қилди.

Депутатлар сессиясининг котиби, таҳририят ва ҳисоб комиссияларини сайладилар, сессия иш ва кун тартибларини тасдиқладилар.

А. И. Фозиловнинг кўрсатилган қўли билан биз республикамиз мустақиллиги мақомини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади.

Шу мақсадда бу йил иқтисодийни барқарорлаштириш, истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, кўпқилли зарур маҳсулотлар нарх-наволарини ўзлаштириш тўғрисида қарар қабул қилинди.

ий куч-қувватининг талайгина қисми жамланган. Бу шаҳарга, биринчи навбатда унинг бошқаруви ичрадаги ислохотлар муваффақиятини ўтказишнинг таъминлаш учун жиддий маъсулият юклатилди.

Тугаллабтаган йилда депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг иккинчи сессияси ўтказилди.

Шаҳар меҳнатшарлари кўпгина қишлоқчиларга қарамасдан йилнинг умуман муваффақиятли аяқламоқдалар.

Шаҳарнинг 1992 йилги бюджетни ижтимоий даромадлар бўйича 2,7 миллиард сўм, харанкатлар бўйича — 3,1 миллиард сўм миқдориди тасдиқланган эди.

ТАЛАБГОРЛАР КУПАЙМОҚДА ҲАМЗА районидagi «Заминдош» маданият уйи қолшида турли хил тўғараклар ишлаб турибди.

Шарҳимизнинг икки даҳасида яшовчи икки Исомолжоннинг бахтиёр кунлари ҳали олдиди.

Суратларда: Муҳаммадсолех ва Феруза Обиджоновлар оиласи учун кувончли бўлган лаҳзалар.

Рустам Шарипов суратлари.



Тошкент шаҳар Ҳокими А. И. Фозиловнинг жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари ва маҳаллалар ахлисининг илтимосларига биноан Ҳамадон қўли билан биз республикамиз мустақиллиги мақомини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади.

* Суратли ахборот

«СЕУЛ» — ДУСТЛИК МЕВАСИ

СЕҲРИИ куйлар бир-бирга улашиб, тинимсиз янғирди. Саҳнадаги ёшгина рақосалар шунчалар но-вик рақс тушишардики, уларнинг ҳаракатларига бе-ихтиёр асир бўлмай илож йўқ эди. Рақс тугаши билан улкан зални тўлдириб ўзбекча оҳанглар жаранглади.

Бу ўзига хос концерт қа-ерда бўлди экан, деб ўйлаёт-гандирсиз? Янги йил арафа-сида ишга тушган «Сеул» ресторани ўзининг биринчи меҳмонларига ана шундай мусиқали салом ҳади этди.

«Сеул» ресторани Жану-бий Корей ва Ўзбекистон қўшма корхонасининг би-ринчи фаразидир. — деб хикоя қилади «Ўзбексавдо» ассоциацияси раиси М. Уе-монов. — Маълумки, ушбу қўшма корхона «Ўзбексав-до» ассоциацияси, Тошкент ресторандар трести, «Ўзбек-савдо» қошидаги «Тижорат» фирмаси ва Жанубий Корей-нинг «Илто» фирмалари то-монидан ташкил этилганди. «Сеул»нинг очилиши ҳам-шаҳарларимизга яхши совға бўлди, деб ўйлайман.

Ушбу қўшма корхонанинг режалари ҳам катта. Кел-гусида халқимиз учун би-



ринчи даражали истеъмол молларини ишлаб чиқариш — унинг асосий мақсадидир. Қўшма корхоналарнинг аф-заликларини барчамиз кў-риб, билиб турибмиз. Келгусида Германия, Истамбул

билан ҳам шундай корхона-лар очиб режалари бор. Шокистонликлар билан ҳам-корликда ташкил этилган икки дўнон эса аллақачон иш бошлади.

Жанубий Корейнинг «Ил-то» фирмасининг вакили Ли Дон Жон ҳам юртимизга кел-ган кундан бошлаб ўт-ган 14 ойдан жуда рози кўрилади. Бўлмасамчи, Жан-убий Корейдан келтирилган моллар билан савдо қилади-ган «Сеул» дўкони, «Вод-ник» мавзесидagi чармин қайта ишлайдиган завод, ма-на энди эса ҳаммамли рестор-ан. Булардан ташқари жануб Жон маъмур «Чен-Чун» ашуга ва рақс дастаси, «Силует» бал рақслари дас-

тасини, Тошкентдаги мада-ний марказни керагича маб-лағ билан таъминлаб туриб-ди. Бундай савоатли ва иш-билармон киши билан дўст бўлиш албатта, яхши мева-лар бериши табиий.


— Бу менинг ҳам қалбим-даги эзгу ораум, — дейди жаноб Ли. — Ўзбек халқи-нинг меҳмондўстлиги, меҳ-натқашлиги, дўстпарварлиги бизнинг халқимизга ҳам хос фазилатлардандир. Муста-қил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида бир-бир бў-либ келдим. Лекин Ўзбек-истондаги меҳр-муруватни, оқибати биронта ерда кўр-ганим йўқ. Сизга айтганча, мени-чин, Самарқандда борганим-да осорлиқларни кўриб, хайратга тушгандим. Яна ҳам хайратга тушганим Ре-гистон деворларида корейс-ларнинг тасвирини кўриб, ҳаяжонимнинг чегараси бўл-мади. Демак, ота-боболарим-из ҳам қадимдан дўстлик ва савдо алоқаларини ўрна-тишган экан-да! Хўш, биз-нима учун шу кутлуг анъа-нави давом эттирмастимиз керак! Мен бундан кейин ҳам иккала халқ ўртасида тотувлик учун ниманики за-рур экан, барчасини амалга оширишга бел боғлаганман.

«Сеул» ресторани ҳампа-харларимиз учун айниқса корейс бирояларимиз учун Янги йил арафасидаги ажой-иб совға бўлди. Корейс миллий таомларини татиб кўриш бизга ҳам анча ёқим-ли. Ўйлаймизки, бу ҳамкор-ликларимиз асло чегара бил-майди.

Толб САЪДУЛЛАЕВ.

○ СУРАТЛАРДА: Жану-бий Корей ва Ўзбекистон қўшма корхонасининг бири-нчи фаразиди — «Сеул» рес-торанида.

Алимурод Мамадалинов суратлари.



* Олий ўқув юртларида Талабалар уюштириши

УЗБЕКИСТОН Дав-лат жаҳон тиллари университетидаги не-мис тили факультети-да Нодира таваллудин-нинг 200 йиллигига бағишланган кеча бў-либ ўтди. Ўзбек тили кафедрасининг мураб-бийси, филология фан-лари номзоди Маҳфу-за Турбова раҳбарли-гидаги 1—2-босқич та-лабалари ташаббуси билан уюштирилган кечада нодирашунос олма, филология фан-лари доктори Маҳбу-за Нодирова ҳам ишти-роқ этиб. Маҳфуза — Нодиранинг ҳаёти ва ижоди, унинг асарла-рининг топилиши ва ўрганилиши ҳақида сўзлаб, талабаларни қизиқтирган саволлар-га жавоб берди. Ушбу таълимнинг муваффа-қиятли ўтишида Гўзал Жўраева, Озодбек Кўч-қоров, Лаюфат Холиқ-ова, Хусниддин Соатко-нов ва бошқалар фаол қатнашдилар.

Кечага фойз бағиш-лашда талабаларнинг ижодидаги мансуб «Но-дирабегим саройида» саҳнаси, айниқса, диқ-қатга сазовордир. Учрашув якунида университет санъаткор-лари ўзларининг шўх ва дилрабо кўшиқлари билан томошаларини хушнуд этдилар.

Озода ДАДАЖОНОВА.

* Ҳайвонот оламида УЯСИ ҲИЗМАТИ

ҚУШЛАРНИНГ ин-сон учун қандай фой-дали томони бор? Улар ҳашаротларнинг ку-шандаси дея жавоб бериш осон. Аммо жанубий-шарқий Осиё, Жумладан Хитой, Син-гапур, Малайзия мам-лакатларида оддийги-на жарқалдирғоч ўзи-га хос «қобилияти» учун алоҳида муҳофа-зага олинган. Гап шун-данки, жарқалдирғоч қурган уяни аҳоли қан-дай бўлса шундайлиги-ча ешадди.

Жарқалдирғоч уяни ўз сўлагидан слайди. Маълум вақт ўтгач уя ҳаво ҳароратида қо-тади. Ерлик аҳоли ғор-лар, баланд қояларга уя-уялар нарвонлар қўйиб, ҳосилни Янгиб-олишди. Қизғини шун-данки, улар ўзлари бил-лан озиқ-овқат олиб келишмайди, балки янги-терим пайтида жарқалдирғоч уялари билан озилдиришди. Жарқалдирғочлар етиб мавсумда уч марта, шунингдек ҳар сафар фақат бир жойга иш қўйишди. Қўйилди-ган уялар орасидаги вақт уч ҳафтадан бў-либ, биринчи ва иккин-чи инлар Янгиб олинад-ди. Учинчи инга эса ҳеч ким тегмайди, чун-ки жарқалдирғоч унда насл қолдиради. Шун-нинг учун Янгиб оли-ган учинчи уя иброс-дон бўлиб, қора уя де-йилади. Шу жараён, яъни уя йнги-терим йилнинг февраль-май ойларида ўтади. Ҳар йили йилнинг ҳосил-нинг 60 фоизи Гон-конгга келтирилади ва қора уянинг қилоси 200 долларга, оқ уя эса 2 минг долларга баҳоланади.

Бугунги кунда уш-бу таом хитой ошона-сида қачон пайдо бў-гани маълум эмас. Аммо мутахассислар 1500 йилдан нам эмас, деб таъйинлашмоқда. Чунки ўша пайтларда Хитойда жарқалди-рғочлар шихонда кўп эди. VII—VIII асрда эса улар сони камайиб кетди ва Қалманган оролидан келтирилиди-ган бўлди.

Абдумажид ВАЛИЕВ.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

* Маишур кишилар ҳаётидан

САНАГА ГАЛАТИ ЯҲЛ БИЛАН

УЗБЕК кино намоёндалари орасида моҳир кинорежиссёр Комил Ерматовнинг муносиб ўрни бор. Кунлардан бирида юз берган воқеа унинг келажагини белгилаб берди. Комилжон Москвадаги «Арс» кинотеатрининг фойсиди девордаги рас-млари томоша қилиб турган эди. Кутилмаганда бир киши у-га мурожаат қилиб қолди:

— Кечирасиз, ўртоқ юмандир. Мен режиссёр ёрдамчи-симан, биз ҳарбий мавзуда фильм тейёрлётган эдик. Шу фильмдаги роллардан бирига сизни муносиб кўрдим.

— Йўқ... ахир... мен артист эмасман-ку, — деб жавоб берди Комилжон саросимеда.

— Бу томонини бизга қўйиб бераверасиз. Ургатиш биз-нинг вазифамиз.

Комилжон қаршилиқ билдирмагач, ассистент уни Давлат Ҳарбий кинорежиссёри В. Гердин билан таништирди. Влади-мир Ростаславович йигитга билан узоқ сўхбатлашди. Комил-жон кинога бўлган қизиқишини ашириб ўтирмади. У кино кўришдан муваффақиятга йўли. Ниҳоят Дутос армияси-даги разведка бошқирининг роли кўнгилдагидек ижро этилди.

Шундан кейин Комил Ерматов В. Гердин масъахати билан 1925 йилда Москвадаги Чаковский номи кинотеатрлар ку-рсига кириб ўқиди. Бу ерда у Ўзбекистоннинг бўлажак улкан санъаткорлари Маннон Уйғур, Абдор Ҳидоят, Обид Же-лилов, Тошхўжа Ҳужавалар билан бирга таълим олди.

«ВОЙДОД» ДЕБ ЮБОРГАНДИ

ЕЗУВЧИ Рустам Раҳмон моҳир таржимон, ношир Мирза-калон Исмомил билан ҳамкорлигини хотирлаб шундай дейди: «Доманинг тилга муносақатини «Севги қармас» номи қиссаси ўқишга берганида чўқур ҳис қилганман. Бир кун телефон қилиб «Келинг» дедилар. Бордим.

— Қиссангизни ўқиб чиқдим. Четларига фикримни ёзиб қўйдим. Шуларни ўқинг-да, маъқул бўлса, қабул қилинг, асе-рингизни яна бир марта кўлга олинг.


Уйга қайтиб кўлбазани варақлай бошладим. Келишмаган жумалар ёки ўта бежаме ўхшатишлар ёнига «Кўйинг-ей», «Бас», «Охирроғида ҳатто «Войдод!» деб ёзиб қўйибдилар. «В» ишлатилган ўринларга вергул қўйиб, «в» ни қалам-да ўрабдилар. Бир жойга етганда тоқталари тугабди шикели-ни «ва»га бало борми! Умуман «в» ни адабидга ким олиб кирган экан, билмадим», деб ёзибдилар. Қўлбазамга нисба-тан бундай қаттиқ талабчанлик ҳар қандай муаллифда масъу-лият ҳиссини уйғотиши мумкин.

Мирзакалон Исмомил жаҳон ва рус тумлози адабиётни ижодкорларининг икки юздан ортиқ катта-кичи асарларини ўзбек тилига ўғириб чоп эттирган. Жумладан, Л. Толстойнинг «Трилли» ва «Анна Каренина», Жюль Вернинг «Орол сир-лари», М. Ю. Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони», М. Горькийнинг «Иезериль кампир», «Бўрон қуши ҳақида кўшик», Войничнинг «Сўна», Рашид Нури Гутекиннинг «Чо-ли қуши», «Шекспирнинг «Бесабаб гава», Михаил Шолохов-нинг «Инсон тақдир», Иван Франконинг «Захар бургут» но-ми асарларини, А. П. Чеховнинг ўилаб ҳикояларини ўзбек китобхоналарига тўхфа этди.

«...Л. Н. Толстой ижоди тарихи учун гоят қийин, унинг «Анна Каренина»си айниқса, — деганда таржимон ношир Абдулла Уразаев. — Унда шундай қийин жойлар борки, уларни «бузмай» ўзбекча иборелар билан таржимо қилиб бўлмасдек кўрилади. Мирзакалон ана шундай қийин-қийин жумаларини қийиб қўйганики, ҳайрон қолсан, киши. Мирзакалон таржималари тарихида деб ўқил-майди, оригинал асар қилиб ўқилади, Мирзакалоннинг ўзи ёган асар деб ўқилади.

Дарҳақиқат, М. Исмомил ўз таржималарида ўзбек ада-бий тилини, ширели тилини жуда ўринли сингирди юборди. Адиб «Фаргона тоғ отгуни» трилогияси, «Бизнинг роман» қиссаси, «Озод инсон ҳақида қўшиқ» номи ҳарбий новел-ларлар тўплами, «Одоб-ахлоқ оид «Инсон ҳусни», «Одабий-лик қиссаси» номи китобчаларини ёзганди.

Шавкат САЪДИЕВ таяблади.



* Хоҳ ишонинг, хоҳ...

РАҲМАТ... МИКРОБЛАРИ

«ЯҚИН орада одамлар тиш оғрини унутадилар — дей-ди авлодушнослик, яъни генлар билан шуғулланувчи япония-лик Айдзо Макусиро. Бунга япони олимлари толган микро-блар ёрдамга келар экан. Ушбу микро-б тишга ҳаф солиб келаятган касалликларга қарши ўзидан бир модда чиқарар эканки, тиш умуман дахлсиз қолар экан.

Ушбу микро-бни киши организмда махсус «урчатишнинг умуман ҳожати йўқ. У асосан ичакларда бамайлихотир яшар экан. Фақат унга таъсир кўрсатилса бас; шу заҳоти ўзининг даволовчи моддасини ишлаб чиқара бошлайди.

ТУПУРУВЧИ... КОБРА

АФРИКАНИНГ жанубида ҳаёт кечирувчи Мозамбик коб-раси ушбу қитъадаги энг хавфли заҳарли илон саналади. Унинг заҳари белзирини ўраб олган мускулларини бир зумда қисқартириб, кобра икки тиши орасидан икки томчи заҳар отади. Отганда ҳам мўжзали аниқ олади: нақ кўза уради! Заҳар уч метрча етиб боради. Заҳар кўзага тушса, ниҳоятда кучли оғриқ кўзгаёйди. Оқибатда вақтинча, кўп ҳол-ларда эса абадий кўр бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Кобра ўз заҳарини фақат мудофеа учун ишлатади. Бу жиҳатдан илон жонивор худди ўзиниғизга ўхшар экан: одамзот ҳам қурол-яроғни «фақат мудофеа» мақсадларида эратади.

ОТНИНГ ШАҲРИ

ИСКАНДАР Зулқарнайнинг севимли отининг номи Бу-цефал бўлгани ҳаммамизга тарихдан маълум. Унинг номи «буқа бош» маъносини беради. Чамаси манглайи кең бўл-гани учун уни шундай аташган. Ушбу отга Искандарнинг отаси Филипп 13 талан (340 кило) кумуш бериб, фессалиялик от етиштирувчи Филлоникосдан олган.

Айтишларига, ушбу отга икки олдинги оғрида иккита ўсмай қолган туғи — бармоғи ҳам бўлган экан. Бу жиҳат-дан у ўзининг узоқ қарнидоқ мериғини ўшаб кетади. Ушбу «бармоқлар» от югуриганда ерга тегмаган, албатта. Лекин уч тўқили бунақа отлар ўша пайтларда жуда қадрлан-ган.

Эраимизга қадар бўлган 326 йилда Гидаспади ҳиндулар билан бўлган жангдан кейин Буцефал зўриқиб ўлди. Оти ўл-ган ерда Искандар Зулқарнайи шаҳар қурнишга амр қилди. Буцефал деб аталган бу шаҳар жаҳондаги ягона от номи билан юрителидан шаҳардир. Шаҳар шаҳарку, лекин та-биятта, жониворларга вафодорлигини Искандардан ўрганиш керак экан!

«ЧОПҚИР» КАПТАРЛАР

ОДЕССАДАГИ каптерчилар уюшмасининг икки мингдан зиёд аъзоси бор. Клуб аъзолари, айниқса, спортчи каптерлар билан ниҳоятда фахрланишади. Уларнинг «тербилавчилар»и узоқ месофаларга учиб буйича рекорд қўйишган. Кап-тарлар Москва — Ленинград — Одесса оралигини бир неча марта «забт» этишди. Архитектисден Одессагача бўлган 2500 километрлик месофани эса қанотли «югурувчилар» 9 кема-кундузда босиб ўтишди.

Турсун АБДУЛЛАЕВ.

Тошкент оқшоми

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

ТИЖОРАТ ҲАБОРАТИ ВА ЭЪЛОМЛАР

АЗИЗ ҚИЗЛАР!

АГАР ОЛДИНГИЗДА КАСБ ТАНЛАШ МУАММОСИ ТУРГАН БУЛСА БИЗНИНГ ҲУЗУРИМИЗГА,

Тошкент «Тўқимачилик комбинати»

ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг

ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

Бу ерда сиз малакали касб эгаси бўлиб етишасиз ва юқори ҳақ тўланадиган ишга ўрнашасиз.

Бизнинг комбинатимиз — мустакил шаҳарча бўлиб, унда ҳамма нарса: тиббий-санитария қисми, поликлиника, сўхатгоҳ, спорт мажмуи, Маданият саройи, ошхоналар, сабзавот ва озиқ-овқат дўконлари, буғ ҳаммомлари билан манший комплекслар, хушрўйпарварлик салонлари, сартарошхоналар муҳайё. Комбинатда тақис моллар, озиқ-овқат маҳ-сулотлари сотилади. Тошкент денгиз соҳилларида ва тоғ ён бағрида катталар ва болалар учун дам олиш масканлари бор. Маъмурий боғ ҳовлилар, шахшй қурилишлар олиб бориладиган ер участкалари сотиб олиш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиб берган.

Келгусида қутиладиган ана шундай истиқбол манзаралари Сизни оз-ми-кўпми қизиқтириб қолган бўлса, ўқиш, ишлаш ва меҳнатга ҳақ тў-лаш тартиблари билан танишиб чиқинг.

8 ой давомида Сиз тўқувчи; текислаш, айлантириш, эшиш усқунала-рининг оператори; йнгирувчи касбларини эгаллаб чиқасиз.

Дастлабки икки ой давомида назарий таълим курси ўзлаштирилади. Ана шу даврда ўқувчилар оинга 1000 сўмдан стипендия оладилар. Ик-ки ойдан кейин корхонада ишлаб чиқариш таълими бошланади. Бутун ўқиш давомида (дастлабки икки ойдан ташқари) ўқувчиларга 100 фоиз миқдорда иш ҳақи тўланади. Ўқувчиларнинг бутун ўқиш давридаги умумий иш ҳақи оинга стипендия билан бирга 1500 сўмдан 5000 сўмга-ча маблағни ташкил этади. Ўқувчиларга ҳар бир иш куни учун 15 сўм-дан тушлик оқват пули берилади.

Ўқиш тугагандан сўнг бевосита комбинатдан иш берилади. Асосий касблардаги ишчиларнинг иш ҳақи оинга 3000 сўмдан 7000 сўмгача ва ундан ҳам юқори бўлиши мумкин.

Сиз шаҳар атрофидаги районларда яшайсизми? Ундай бўлса ишга ва ишдан уйга қатнашда хизмат транспортдан фойдаланишингиз мум-кин.

Бизнинг корхонамиз Юқори Чирчиқ, Чиноз, Янгийўл, Қибрай, Урта Чирчиқ районларида доимий автобус қатновларини йўлга қўйган.

Ўқишга расмийлаштириш масалалари юзасидан қуйидаги манзилда жойлашган кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин: Қушбеги кўчаси, 6-уй.

33, 34, 45, 69, 79, 182-автобуслар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар билан «Тўқимачилик комбинати» бекатигача бори-лади.

Телефонлар: 53-97-09, 53-18-72, 53-97-05, 55-44-85, 55-44-96.

Ижарадаги Тошкент «Тўқимачилик комбинати» ип-газлама иш-лаб чиқариш бирлашмаси.

«ТОШКЕНТШАҲАР-ТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ»

КОРХОНАСИ

тез ва сифатли автотранспорт хизмати кўрсатиш учун аҳолидан ва корхоналардан

96-16-20, 96-19-32, 77-82-01 ва 77-82-08 телефонлари орқали

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Сиз юқори малакали ҳай-довчилар ва юк ташувчилар, шунингдек, турли хил юк ташини учун мослаштирилган автомобиллар хизматидан фойдаланишингиз мумкин.

Хизмат ҳақи нафд пул бил-дан ёки пул ўтказиш йўли бил-дан тўланади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Аэродром кўчаси, 5-уй.

Тошкент шаҳар 10-худудий ишлаб чиқариш бирлашмаси хузуридаги (10-ТПО) Таъ-мирлаш-қурилиш бошқармаси

ТУГАТИЛДИ

Давловлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мо-балинда қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, 4-Саломатни тор кў-часи, 4-уй.

ТЕЛЕФОН: 53-36-26.

«Интуравоттранс» акцио-нерлик жамияти томонидан Ҳошимов В. Х. номинга бе-рилган 323, 324-рақамли йу-қолган ишончномалар

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

АЗИЗ БОЛАЖОНЛАР, ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР, БУВИЖОН ВА БУВАЖОНЛАР! «ТЎҚИМАЧИ» МАДАНИЙ-МАЎНАВИЙ МАРКАЗИ СИЗЛАРНИ ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИГА ТАҚЛИФ ЭТАДИ

Янги йил байрами томошаларида Сизларни гў-зал арча атрофида қувноқ куй ва қўшиқлар, турли ўйинлар кутмоқда.

Шунингдек, Янги йил кунларида эртақ қаҳрамо-ни Карлсон шитирокидаги ФИЛЬМЛАР (27 де-кабрдан — 1993 йил 3 январгача (рус тилида) ҳамда «ЯЛМОҒИЗНИНГ НАЙРАНГИ» эртақ-спектакллари (3-10 январь кунлари) намойиш эти-лади.

Фақат биздагина кичкинтойларни ширин-шакар совғалар кутмоқда.

Манзилгоҳимиз: Бобур кўчаси, 45-уй.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 53-36-65, 53-36-34.

ЧИПАТЛАР СОТИЛМОҚДА.

Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қи-линади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши Тошкент шаҳар Кенгаши депутати А. А. Абдуваллоновга онаси Маъсума САЪДУЛЛА қизининг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.	Тошкент шаҳар Ҳокими маъкамаси бош мутахассис С. Х. Ғоиповага онаси Ханифа ҒОИПОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.
«Тошкент оқшоми» жамоаси газета таҳририятининг бўлими мудири Д. Исроиловага онаси, истеъодли шоир Анавар ИСРОИЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.	«КРАМДС—ДОСТ» корпорацияси жамоаси бош му-ҳосиб Химматилла Тиллаевга отаси Тўхтасин ТИЛЛАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.